

---

## КЛАСТЕР ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲИСОБИДАГИ САЛКАМ 25 КИЛОМЕТР ИЧКИ СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИ БЕТОНЛАШТИРИЛАДИ

Кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги салкам 25 километр ички суғориш тармоқлари бетонлаштирилади

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманимизда 2024-қишлоқ хўжалиги йилига тайёргарлик ишлари соҳа мутасаддилари томонидан айна кунда бошлаб юборилган. Туманда фаолият олиб бораётган ширкат хўжаликлари ва фермерлар айна кунда ҳудудлардаги мавжуд бўлган ариқларни тозалаш ва уларни бетонлаштириш ишларида белларини маҳкам боғлашган.

Маълумот учун: Сўх тумани ҳудудида жами бўлиб, 253 километр сув ариқлари бўлиб, бу оби ҳаёт манбасидан ширкат хўжаликлари ва фермерлар тасарруфидаги барча экин ер майдонлари суғорилади. Режага мувофиқ 2024 йилда 24,5 километр масофадаги ариқлар бетонлаштирилади.

Айна кунда барча хўжаликларда ариқларни тозалаш ишлари олиб борилиб, бу ишларда бободехқонларга ирригация тизими вакиллари яқиндан ёрдам беришаётир. Албатта, айна кунда қилинаётган ишлар суғориш даврида миришкорларга қўл келади.

Фарғона вилояти Сўх туманида 2023-2024 йилларда кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш режасига биноан 1-сектор ҳудудидаги 76,5 километр бўлган ариқларнинг 7,7 километри, 2-сектордаги 85,2 километр бўлган ариқларнинг 9,2 километри, 3-сектор ҳудудидаги жами 42,6 километр бўлган ариқларнинг 4,9 километри ва 4-сектордаги жами 48,7 километр ариқларнинг 2,7 километри бетонлаштирилади. Албатта, бажарилажак барча ишлар ҳаёт манбаи бўлган сувни тежамкорлик билан сарфлашга қаратилган.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#) [Facebook](#) | [Telegram](#) | [Telegram murojaat](#) | [Youtube](#) | [Instagram](#)

2024-01-17 15:36:58